

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

СИНХРОН ВА ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИК

ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ МАТНДАГИ СЕМАНТИКАСИ



Соҳиба АБДУЛЛАЕВА

филология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация

Мақолада пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг матнда тутган ўрни, улар орқали пайт муносабатлари батафсил, тўла ва тушунарли ифодаланиши ҳақида, тегишли нутқ вазиятида уларнинг керакли турлари, вариантлари ва шакллари билан қўлланилиши хусусида фикр юритилган. Нутқ вазиятлари сўзловчидан пайт эргаш гапли қўшма гапларни саралаб, мулоқот учун мос ва муносиб турини танлаб ишлатишни тақозо этади.

Аннотация

В статье речь идёт о роли в тексте сложноподчиненных предложений времени, которые помогают полнее и понятнее выразить временные отношения. Также в статье говорится о применении видов, вариантов и соответствующих форм в речевой коммуникации. Коммуникация требует от ее участников соответствующих видов СПП.

Abstract

This article deals with the role of SPP of time in the text, detailed, detailed expressions of the temporary relation with their help, applications types, options and forms in the speech moments. The speech moments demands from the consumer the corresponding types of SPP for communication.

Калит сўзлар: пропозитив, стилистик, прагматик, мулоқот, полилогик, коммуникатив, функционал-коммуникатив.

Ключевые слова: пропозитивный, стилистический, прагматический, общение, полилогический, коммуникативный, функционально-коммуникативный.

Keywords: pro-positive, stylistic, pragmatical, communication, polylogical, communicative, functional and communicative.

Тилшуносликда тил ҳодисаларининг структурал-семантик ва функционал-семантик жиҳатдан таҳлил ва тавсиф этишдек серқирра масала тадқиқига олимлар асрлар давомида қайта-қайта мурожаат қиладилар. Бундай тадқиқотлар тил бирликларининг бир томондан, пропозитив-

номинатив жиҳатларини, иккинчи томондан эса уларнинг коммуникатив-прагматик хусусиятларини муайян тизим асосида атрофлича ва чуқур ёритиш имкониятини яратади. Тил бирликлари бир мулоқот вазиятида сўзлашувчилар томонидан ўзларининг тўғридан-тўғри табиий маъноларини, яъни пропозитив-номинатив маъноларини англатиш учун қўлланилса, иккинчи бир вазиятда айнан шу алоҳида олинган тил бирликлари ўзига хос – коммуникатив-прагматик маънода ишлатилиб, бетакрор стилистик бўёқ билан ажралиб туради. Бундай маъноларни тушуниб етиш ва керак ҳолларда зарур савол-жавоблар орқали мулоқот олиб бориш сўзлашувчиларнинг тегишли лисоний ва коммуникатив-прагматик билимлари у ёки бу даражада бўлишига, шунингдек, уларнинг мулоқот олиб бориш лаёқати (компетенцияси)га ҳам бевосита боғлиқдир. Акс ҳолда исталган мулоқот акти (ижроси)га эришиш даргумон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу омилларнинг барчаси тилнинг когнитив аспекти, яъни тил воситаси орқали тилда сўзлашувчилар томонидан объектив борлиқни инъикос этилиши масаласи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир (бу борада қаранг: Ж. Остин, Дж. Лакофф, Т.А. Ван Дейк, Дж.Серли, Г.Г. Почепцов, Н. Маҳмудов, А.Нурмонов ва бошқалар).

Демак, тил бирликлари мулоқотда коммуникантларнинг мулоқот мақсадини – интенциясини, тўғрироғи, мулоқотда ифодаламоқчи бўлган нияти – муддаосини ҳамсухбатга етказиш билан узвий боғлиқ бўлиб, уни ҳар қандай тил соҳиби онгли равишда жуда эркин ва беихтиёр амалга оширади, чунки у бир маҳаллий тилда гапирувчи сифатида тилнинг барча қирраларини эгаллаган ва уларни ўз мулоқоти хизматида бўйсундира оладиган даражада зарур ва етарли билимга эгадир.

Табиийки, кишилар орасида мулоқот асосан гап орқали амалга оширилади, чунки гап катта синтактик бирлик сифатида бошқа кичик бирликлардан ташкил топади ва мулоқот бирлиги сифатида ўзини нутқда тўлақонли намоиш этади. Демак, гап энг муҳим мулоқот бирлиги сифатида муайян тилда сўзловчиларнинг монологик (бир киши), диалогик (икки киши), полилогик (иккитадан ортиқ кишилар) нутқида иштирокчилар томонидан олиб бориладиган мулоқотни самарали амалга оширишда бевосита хизмат қиладиган коммуникатив бирлик бўлиб, ҳар бир тилда, шу жумладан, немис тилида ҳам асосий синтактик ҳодиса вазифасини ўтайди.

Мулоқот пайтида унинг иштирокчилари ўз мақсади, муддаоси, яъни интенциясини тушунтириш учун у ёки бу қурилма, жумладан, у ёки бу қулай гап туридан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Сўзловчи у ёки бу синтактик қурилма туридан фойдаланганида, унинг коммуникатив интенцияси – мақсад-муддаосини тушуниб олиш мулоқот-дошнинг лисоний билими ва мулоқот олиб бориш лаёқатига ҳам боғлиқ. Агар тингловчи сўзловчининг муддаосини тушуниб етмаса, нутқ акти (ижроси) амалга ошмай қолади. Мулоқотдош – тингловчи сўзловчидан ниманидир ёки нималарнидир қайта-қайта сўраб, сўзловчи муддаосини тушунишга ҳаракат қилади, акс ҳолда, мулоқот тушунарсиз бўлиб, амалга ошмай қолади.

Шундай қилиб, сўзловчи билан тингловчи – мулоқотдошлар ўртасидаги ўзаро муносабатда акс этадиган ва мулоқотнинг муваффақиятли кечишини таъминлайдиган бирдан-бир омил – бу прагматик маънодир, акс ҳолда, мулоқотни амалга оширишга қаратилган барча ҳаракатлар беҳуда бўлиб чиқади. Шу нуқтаи назардан олганда, сўзловчи ўз нутқида коммуникатив-прагматик жиҳатдан муҳим бўлган турли тушунчалар ва улар билан боғлиқ маъноларни, жумладан, ўрин, пайт, мақсад, сабаб, оқибат, қиёс ва бошқа бир қанча маъноларни қўллайди, мулоқотга лаёқатли суҳбатдош эса уларни тўғри тушуниб, унга ўзининг тегишли муносабатини билдиради, натижада кўзланган мақсад амалга оширилади, кишилар бундан мамнун бўлиб, мулоқотни маъқуллайдилар, унинг тўғри ва тушунарли эканлигини эътироф этадилар.

Гапнинг универсал турларидан бири бўлган пайт эргаш гапли қўшма гаплар ҳам “темпоратив”(1) семантикасини ифодалашда энг муҳим мулоқот воситаларидан биридир. Улар орқали пайт муносабатлари батафсилроқ, тўлароқ ва тушунарлироқ ифодаланади.

Бу борада, бизнингча, компонентларнинг қатъий функционал-коммуни-катив қонуниятлар асосида яхлит бирлик бўлган қўшма гапга бирикишининг қуйидаги асосий омиллари борлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ: 1) ягона яхлит структурага эга бўлиш эҳтиёжи; 2) ягона коммуникатив мақсад (интенция)ни ифодалаш эҳтиёжи; 3) кўп воқеаларни ифодалаш эҳтиёжи; 4) кўп модаллиликни ифодалаш эҳтиёжи; 5) кўп замонлиликни ифодалаш эҳтиёжи; 6) кўп эгалиликни ифодалаш эҳтиёжи ва ҳоказолар. Бевосита юқорида санаб ўтилган омиллардан келиб чиққан ҳолда, сўзловчи / ёзувчи кундалик мулоқотдан кўзланган мақсад ёки муддаони ифодалашда гапнинг универсал коммуникатив-прагматик турларидан бирига (1) декларатив; 2) интеррогатив (ёки квеситив); 3) императив; 4.) эмотив) сўзсиз мурожаат қилади(60, 25–30).

Пайт эргаш гапли қўшма гаплар, табиийки, юқоридаги тўрт хил коммуникатив-прагматик турнинг барчасига ҳам хос бўлиши мумкин.

Масалан: 1) декларатив (дарак гап):(1) *wenn die Ferien anfangen, (dann) werden wir gleich losfahren*(2, 691).

2) интеррогатив (сўроқ): (2) *Wollen Sie warten, bis ein Zug vorbeifährt?* (3, 56).

3) императив (буйруқ): (3) *Warte, bis es Oktober wird!* (3, 29)

4) эмотив (ҳис-ҳаяжон): (4) *Wenn ich ihn 2 Tage nicht sehe, vermisse ich ihn sofort*(4, 588).

Охирги мисол гарчанд дарак гап шаклида тузилган бўлса-да, ҳис-ҳаяжон мазмунини ифода қилиш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, немис тилидаги ПЭГҚГлар мулоқотнинг ранг-баранг турларида иштирок этиб, тегишли нутқ вазиятида керакли турлари, вариантлари ва шакллари билан қўлланилади. Нутқ вазиятлари қўлловчидан ПЭГҚГларни танлаб, саралаб, мулоқот учун мос ва муносиб турини ишлатишни тақозо этади. Унда сўзловчи/ёзувчи юқоридаги гап турларидан бирини танлаб қўллайди, сўзловчи/ёзувчи мулоқотда темпоратив семантикани ифодалашда мазкур маънога эга бўлган тилнинг барча мавжуд воситалари тизимидан ПЭГҚГни танлайди. Танлаганда унинг ҳар қандай турини эмас, балки мулоқот мавзуси ва мазмуни билан бевосита боғлиқ бўлган, мулоқотга хизмат қиладиган турларидан бирини қўллашга мойил бўлади. Бундай вазиятларда гапирувчи/ёзувчи ПЭГҚГларнинг куйидаги мавжуд уч хил туридан бирини танлашга ҳаракат қилади: а) темпоратив 1 (ПЭГҚГда ЭГ кесимининг иш-ҳаракати БГ кесими иш-ҳаракатидан кейин келувчи тури): 1. *Bevor die Sonne aufgeht, musst du es in das Herz des Prinzen stechen* (5, 148). б) темпоратив 2 (ПЭГҚГда ЭГ кесимининг иш-ҳаракати БГ кесими билан бир пайтда (баробар) келувчи тури): 2. *In der S-Bahn saßen wir einander gegenüber auf orangebraunen Polstern, während draußen die Vororte vorbeizogen* (6, 214). с) темпоратив 3 (ПЭГҚГда ЭГ кесимининг иш-ҳаракати БГ кесими иш-ҳаракатидан олдин келувчи тури): 3. *Nachdem wir einen Termin für die Eröffnung festgesetzt hatten, sorgte Walter für die Werbung* (6, 84).

Юқоридаги гап турлари немис тилидаги ПЭГҚГларнинг коммуникатив-прагматик кўринишларидир.

Темпоратив 1: Пайт эргаш гапнинг бундай коммуникатив-прагматик тури *bevor, ehe, bis, als, wenn* каби пайт боғловчилари орқали боғланган бўлиб, унда ЭГ кесимининг иш-ҳаракати доимо БГ кесими иш-ҳаракатидан кейин содир бўлиши билан бошқа эргаш гап турларидан фарқ қилади.

Темпоратив 1 га тегишли боғловчилар тўғрисида гап юритилганда айрим олимлар асосий воситалар қаторида биринчи навбатда *bevor* ва *ehe*

боғловчиларини келтирса, бошқалари эса *bis* боғловчисини келтиради. *Als* ва *wenn* боғловчилари кўшимча воситалар ҳисобига киритилади.

Bis боғловчили ПЭГ препозицияда келганда, *bis* боғловчиси *bevor* ва *ehe* боғловчиларига синоним сифатида қўлланилади. Масалан: 4. *Bis man glaubt, was man sieht, und bis man's im Dorf gemeldet hat, ist sie schon auf die Bucht hinausgerudert* (7, 81).

Бу мисолда биз *bis* боғловчиси ўрнига *bevor* ва *ehe* боғловчиларини қўллашимиз мумкин: ...*bevor (ehe) man's im Dorf gemeldet hat, ist sie schon auf die Bucht hinausgerudert*.

БГдаги иш-ҳаракат тўлиқ тугалланган ҳолатлардагина *bis* боғловчиси ўрнига *bevor* ва *ehe* боғловчиларини қўллашимиз мумкин. Бу ерда БГдаги иш-ҳаракат тўлиқ тугаганидан кейин ПЭГдаги иш-ҳаракат содир бўлиши ифодаланади. Келгуси мисолларда ҳам биз шу ҳолатни кузатишимиз мумкин: 5. *Bis es dazu kommt, wird eine Zeugin vernommen* (8, 145); 6. *Bis du eintriffst, habe ich die Hände voller Himbeeren und dränge sie dir auf, weil ich kein größeres Glück kenne, als keine dieser Himbeeren selbst zu essen* (9, 337); 7. *Bis ich aber das Land der Phäaken und in ihm mein Ferienquartier erreichte, hatte ich noch eine kleine Odyssee zu bestehen* (10, 313).

Темпоратив 2: Немис тилидаги пайт эргаш гапнинг бундай коммуникатив-прагматик тури компонентлари *während, solange, sooft, als, seit, seitdem, wenn, wie, indem, indessen, indes, wobei, sobald, sowie* каби пайт боғловчилари билан боғланган турлари бўлиб, уларда ЭГ кесими иш-ҳаракати БГ кесимининг иш-ҳаракати билан доимо бир вақтда келиши билан бошқа эргаш гап турларидан тубдан фарқ қилади.

Während боғловчиси бир пайтлиликни ифодаловчи асосий боғловчилар-дан, деб тан олинган. Бизнинг таҳлил натижаларимиз шуни кўрсатдики, *während* боғловчили ЭГ препозиция, постпозиция ва интерпозицияда келиши мумкин экан:

Препозицияда: 8. *Während ich dort wartete, kamen Gefangene aus dem Dorf* (11, 69).

Постпозицияда: 9. *Er sah sie unverwandt an, während er wie gelähmt verstummte* (12, 183).

Интерпозицияда: 10. *Er legte, während sie nebeneinander fuhren, die Hand auf ihre Schulter* (13, 312); 11. *Eva war gar nicht begeistert von dem Roman, ich verschanzte mich, während sie ihre Argumente vorbrachte, hinter Rudolf* (14, 153).

Темпоратив 3ни ифодаловчи асосий боғловчилар *nachdem, sobald* ва *sowie*, кўшимча боғловчилар *als, seit, seitdem* ва *wenn* ҳисобланади.

Пайт эргаш гапнинг бундай коммуникатив-прагматик тури *nachdem*, *wenn*, *als*, *kaum* *dass*, *wie*, *seit*, *seitdem*, *sobald*, *sowie* каби немис тилидаги пайт боғловчилари орқали боғланган бўлиб, унда ЭГ кесимининг иш-ҳаракати доимо БГ кесими иш-ҳаракатидан олдин келиши билан бошқа эргаш гап турларидан фарқланади. Қуйидаги мисолда презенс ва перфект одатдаги содир бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларни ифодалайди: 12. *Das Heer geht fort, nachdem es das Land zerhackt hat* (15, 10).

5. БГда презенс, ПЭГда эса плюсквамперфект: 13. *Er sieht alles, als erkenne er es wieder, nachdem er es schon verlassen und verloren hatte* (12, 149).

6. БГда футур 1, ПЭГ презенсда (интерпозицияда): 14. *Die Leute werden sich, nachdem die Regenperiode vorbei ist, aus ihren Wohnungen wegführen und leichter kaufen*(11, 33). Бу мисолда презенс шаклида қўлланилган *vorbei sein* финитив ибораси келаси замонда тугалланадиган ҳолатни ифодалайди ва шу ҳолат келаси замонда тугалланганидан кейин БГдаги иш-ҳаракат содир бўлади.

Демак, боғловчиларининг хусусиятлари шундаки, улар бевосита ўзларининг семантик маънолари таъсирида юқорида кўрсатилган темпоративлар маъноларини ифодалай олади ва ўзига мос замон шаклларини ва шу замон шаклларида қўлланивчи феълларнинг акционал маъносига қараб ўзига шерик танлайди. Турли пайт муносабатлари нафақат боғловчиларнинг семантикасига, ЭГда қўлланилган замон шаклига, балки БГда қўлланилган феълларнинг акционал семантикасига ва улар ёрдамида (ЭГ билан биргаликда) ифодаланган аспектларга ҳам боғлиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1. Золотова Г.А. Синтаксический словарь. – М.: Наука, 1988. – 341 с.
2. Wörterbuch Hueber. Deutsch als Fremdsprache. – Mannheim: Dudenverlag, 2007.
3. Aichinger I. Die größere Hoffnung. – Frankfurt am Main: Fischer Taschenbuch Verlag, 1991.
4. Большой немецко-русский словарь. Das große deutsch-russische Wörterbuch (Под общим руководством О.И. Москальской). Том II. – М.: Русский язык, 1980. – 680 с.
5. Andersen H. Chr. Sämtliche Märchen und Geschichten. – Leipzig: Die terichschen verlags buchhandlung, 1967.
6. Goosen F. Pink Moon. – Frankfurt am Main: Eichborn AG, 2005.
7. Späth G. Das Spiel des Sommers neun und neunzig. – Frankfurt am Main: Suhrkamp Verlag, 1993.
8. Strauss B. Paare, Passanten. – München, Wien: Carl Hanser Verlag, 1981.
9. Walser M. Ohne einander. – Frankfurt am Main: Suhrkamp, 1993.

10. Thielicke H. Zu Gast auf einem schönen Stern. Erinnerungen. – Hamburg: Hoffmann Campe Verlag, 1984.
11. Schüddekopf C. Krieg: Erzählungen aus dem Schweigen. – München, Carl Hanser Verlag, 1990. – 300 S.
12. Krüger M. Die Turiner Komödie. – Frankfurt am Main: Suhrkamp Verlag, 2005.
13. Surminski A. Kein schöner Land. – Frankfurt/M. – Berlin: Verlag Ullstein GmbH, 1993.
14. Wellershoff D. Das normale Leben. – Köln: Verlag Kiepenheuer und Witsch, 2005.
15. Jelinek E. Ein Sportstück. – Hamburg: Verlag GmbH, 1999.

Қисқартмалар:

ПЭГҚГ – пайт эргаш гапли қўшма гаплар.

ЭГ – эргаш гап.

БГ – бош гап.

ПЭГ – пайт эргаш гап.